Илмий – амалий конференция материаллари

# ИЛМ - ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

Қарши

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

# ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ

**Илмий-амалий конференция материаллари**

Қарши
"Қарши давлат университети" нашриёти
2018

раза в день по 5-6 чашек сразу. Во всех случаях речь идет об обычном чае. А вот путешествовавший по Бухарин в 1820-1821 гг. Е.К.Мейендорф писал о бухарцах: «после утренней молитвы они пьют чай, который кипятят с молоком и солью, что делает его чем-то похожим на суп. Они обедают не ранее 4-5 часов. Сейчас же после обеда пьют чай, заваренный как в Европе». По данным русского пленного Грушина, в Хиве в начале XIX века чай пил только хан: калмыцкий чай (шир чой) - ежедневно, обычный чай с сахаром - два раза в неделю. Шир чой широко употребляли в бассейне Зеравшана и Кашкадарьи. Оседлое население Бухары и Кашкадарьи осенью и зимой не обходится без напитка шир-чой. В конце XIX века шир чой был хорошо известен узбекам (кочевникам и полукочевникам) Ферганы[21].

Все приведенные данные говорят о том, что шир чой и его разновидности были популярны прежде всего у степных и горных кочевников. Это объяснимо, поскольку для приготовления такого чая необходимы продукты животноводства. Можно предположить, что до появления шир чоя у кочевников Узбекистана было распространено блюдо, состоявшее из молока, масла и жира, а также навара из трав и листьев. Позднее в это блюдо стали добавлять чай.

## АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ

*Тарих ва ижтимоий фанлар факультети магистри:* ***Очилова О.***
*Илмий раҳбар: т.ф. д., профессор* ***Чориев А.***

Амир Темур даврида марказий шахарлар ва уларнинг теварак атрофида кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари, сув иншоатлари қуриш билан бир қаторда боғу бўстонлар барпо этилган. Моҳир меъмор,

[21]. Абашин С.П. Чай в Средней Азии: История напитка в XVII-XIX веках. // http://www.km.ru/referats/EB1471A9F3AA4F58B2E352B8B92B0B54

тажрибали соҳибкорлар (Ахмад Боғишамолий ва б.)нинг ақл- заковати, меҳнат-махорати билан 1378-1404 йилларда Самарқанд шахри ва атрофида Амир Темур боғлари бунёд этилган.

Биринчиси – боғлар геометрик тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, хар томони тахминан 1 км масофага чўзилган. Саҳнидан ўтган ариқлар уларни тенг 4 қисмга ажратиб турган. Атрофидаги баланд пахса деворларнинг хар бурчагида минора бўлган. Марказда сарой жойлашган. Бундай боғларнинг дарвозалари шахар тарафга қаратиб қурилган.

Иккинчиси — тузилиши геометрик шаклда бўлмаган, табиий дарахтзор ва чакалаклар бағрида барпо этилган боғлар. Бундай боғлар хукмдор шикор (ов) қилиши учун мўлжалланган бўлиб, асосий қисми табиий, қўл теккизилмаган холда сақланган. Уларнинг кичик бир қисмигагина дам олиши учун сарой, кўшк (айвон) ва чодирлар қурилган, ҳовузлар қазилиб, фавворалар ўрнатилган. Бу турдаги боғларнинг ўсимлик ва хайвонот дунёси нихоятда бой бўлган.

*Амир Темур боғларининг энг машҳурлари қуйидагилар:*

*Боғи Баланд.* Амир Темур Самарқанднинг шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида набираси (Мироншоҳиинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишда Эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлар боғчилик санъати усталари хамда меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мармаридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боғга гўзал бир тароват бахш этиб турган.

*Боғи Беҳишт.* 1378 йил Амир Темур Самарқанднинг ғарбида суюкли хотини Туман оқа (Хайруннисо)га атаб қурдирган. Ёзма манбаларда «Боғи Жаннат» номи билан аталади. Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, боғ ўртасидаги атрофи хандак билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мармаридан қурилган хашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали кирилган. Саройнинг бир тарафида хайвонот боғчаси хам бўлган.

*Боғи Давлатобод.* Амир Темурга Ҳиндистон юришидан

қайтган куни, яъни 1399 йил 22 апрелда ҳадя қилинган. Археологик тадқиқотлар И.А. Сухарев (1936) ва Ў. Алимов (1967) га кўра, у Самарқанддан 13 км жанубда, Катта Ўзбекистан трактининг чап томонида бўлган. Амир Темур бу боғда зафарли юришлардан қайтгач, дам олган, тантанали маросимлар ўтказган, элчиларни қабул қилган.

*Боғи Дилкушо (Кўнгил очувчи боғ).* 1397 йил Амир Темур хотинларидан бири Тўқалхоним шарафига қурдирган. Самарқанддан 5 км шарқда, Панжакент йўлининг ўнг томонида (қадимги Ҳиндувон қишлоғи ўрнида) жойлашган. Ҳар тарафи 900 $^{м}$ узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган, 4 дарвоза, марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар қаватида фаввора отилиб турган. Сарой деворларига Амир Темур олиб борган урушлардан лавҳалар чизиб қўйилган. Амир Темур Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихони ана шу боғда қабул қилган. Бу боғ ўрнида ҳозир Дилкушо қишлоғи жойлашган.

*Боғи Жаҳоннамо (Жаҳон кўзгуси).* 1398 йил Амир Темур Самарқанддан (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган. Унда сарой ва қалъа бўлган. «Зафарнома»да ёзилишича, бу боғнинг ҳудуди бениҳоят катта бўлиб, йўқолиб қолган от 6 ойдан сўнг топилган экан.

*Боғи Майдон.* Амир Темур Самарқанднинг шимолда, Чўпонота тепалиги этагида қурдирган. Тарихий манбаларга қараганда, боғда ҳашаматли бир айвон (кўшк) ва қимматбаҳо тошлардан ясалган тахт бўлган. Мирзо Улугбек бу боғни янада обод қилган. Бу боғ ўрни ҳозир ҳам *Боғи Майдон* деб аталади.

*Боғи Нав (Янги боғ).* 1404 йил Амир Темур Самарқанднинг жанубида қурдирган. Лолазор қишлоғи ўрнида жойлашган. Бу боғ тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи баланд пахса девор билан ўралган, ҳар бурчагида минора қад кўтариб турган. Марказида бошқа боғлардагига нисбатан каттароқ қаср, унинг олдида ҳовуз бўлган.

*Боғи Чинор.* 1404 йил Амир Темур Самарқанднинг шарқида (Конигилнинг жануби - ғарб тарафида) барпо қилдирган. Унда чинорлар кўп бўлган. Марказида хочсимон тарҳли сарой жойлашган.

*Боғи Шамол.* Амир Темур 1397 йил набираси (Мироншоҳ нинг қизи)га атаб қурдирган. Самарқанднинг ғарбида бўлган. Ундаги сарой тўртбурчак шаклда бўлиб, ҳар томони 1500 қадамни ташкил қилган. Деворларига мармар қопланиб, сахни қора ёғоч ва фил суягидан ишланган. Бу боғ жойлашган худуд ва у ердаги ариқ ҳозир хам «Боғи Шамол» деб аталади.

Самарқанд атрофида булардан ташқари яна бир қанча боғлар бўлган. Чунончи, *Боғи Бўлду, Боғи Зағон, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Амирзода Шоҳрух, Боғча, Боғи Дилафрўз, Боғи Шерон, Гулбоғ, Лолазор, Бедана қўруғи, Чумчуқлик, Ғозхона* ва бошқалар.[22]

Тарихчи Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Амир Темур Хуросондаги Мурғоб водийсида ободончилик ва деҳқончилик ишлари хароб бўлганини кўриб, дарёдан 20 та канал қаздириб, сув чиқариб, деҳқончилик ва ободончилик ишларига асос солган. Унинг топшириғи бўйича Кўҳак-Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилган. Шунингдек, Сирдарёдан, Оҳангарондан каналлар қазилган. Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Фарғонада суғориш ишлари олиб борилган. Бундай бунёдкорликлар мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳам изчил давом эттирилган. У узоқ Қорабоғда 42 км канал қаздир ган. Озарбайжондаги Муғон шаҳрида 12 та боғ барпо этган.

Амир Темур таькидлаган эдики, "Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим". Бу ўз навбатида олис мозийдан ҳозирги авлодга қарата айтилган, ўгит бўлиб, у ҳар биримизни мамлакатимизни янада обод қилиш, унинг тарихини ҳимоя қилишга ва Ватанни севишга чорлайди.[23]

---

[22] Р. Шамсуддинов Х. Мўминов Ўзбекистон тарихи. Андижон 2011 . 161-162 бетлар

[23] Аҳмаджон Чориев. Соҳибқирон маънавияти. "Янги аср авлоди", Т. 2017. 8-9 бетлар.

## МУНДАРИЖА


| № | Муаллифлар Ф.И.Ш. | Мақола мавзуси | Бет |
|---|---|---|---|
| 1. | *Баҳромова А.А. Хайриддинов Б.Э.* | Қуёш – геотермал сув билан иситиладиган теплицада микро-иқлимини бошқаришни автоматлаштириш | 3 |
| 2. | *Эгамбердиева О.Ш. Ташатов А.К* | Pd-Ba бирикмаси юза эмиссион ҳолати билан юза элементлар миқдори орасидаги боғланиш | 7 |
| 3. | *Бозоров Д.Б. Ташатов А.К.* | Кремний асосида гетеротизимларни ион имплантация усулида олиш ва хусусиятларини ўрганиш | 11 |
| 4. | *Raximov A. Dilmurodov N.* | Chiziqli ayirmali o'zgarmas koeffitsiyentli tenglamalar sistemasi va dinamik sistemalar | 13 |
| 5. | *Хуррамов О.Ш. Шаропова Г.Ш. Мейлиев Х.Ж.* | Квадратичный стохастической операторы определённых на малых размерных симплексе. | 16 |
| 6. | *Nodirov Sh.D., Raximova H.O.* | Keli daraxtida aniqlangan model uchun translatsion gibbs o'lchovlari haqida | 19 |
| 7. | *Bozorov M.S. Hamrayev A.Yu.* | Kvazi novolterra kubik operatorining qo'zg'almas nuqtalari haqida | 22 |
| 8. | *Қурбонова Н. И Довранов Қ.Т. Саломов У. Э. Куйлиев Б.Т.* | Исследование формы полос изотропного комбинационного рассеяния метана | 26 |
| 9. | *Бобомуродова Г.М., Бахрамова А.А., Чориев У.Б. Хайриддинов Б.Э., Холмирзаев Н.С.* | Тупроқ ости иссиқлик аккумлиаторли қуёш теплицаси тупроқ қатлами иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини аниқлаш | 31 |
| 10. | *Бобожонов Ю.Т., Бобожонова И.Ю., Каримов Б.С.* | Влияние жидкой пленки на потери давления газа в трубопроводах | 36 |
| 11. | *Бобожонов Ю.Т. Бобожонова И.Ю.* | Определение жидких загрязнений в газопроводах | 41 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 26. | *Омонов О.* | Ҳисор давлат кўриқхонасида тарқалган дарахт ва буталарнинг хўжаликдаги аҳамияти | 82 |
| 27. | *Боймуродов С.М., Юсупов Б.* | Қашқадарё вилояти демографик жараёнларининг худудий хусусиятлари | 86 |
| 28. | *Nazarov M.G., Muqimova H.I., Abdullayev S.I.* | Kurs ishlarining turlari | 90 |
| 29. | *Тошов Ў. Ж.* | Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида учровчи судралувчи ҳайвонларни гелминтозлардан ҳимоя қилиш | 95 |
| 30. | *Тошов Ў. Ўроқов А.* | Паррандачилик билан шуғулланиш давр талаб | 98 |
| 31. | *Раупов Б.* | Қуёш энергияси ёрдамида сув чиқариш. | 100 |
| 32. | *Suyunova G.* | Gepatit B ga qarshi DNK vaksinalarini ishlab chiqish istiqbollari | 103 |
| 33. | *Ҳазратова Ҳ.Н.* | Қонда шакар кўпаймаслигининг муҳим йўли | 106 |
| 34. | *Ҳалимов М. З.* | Ҳужайра шикастланишида эркин радикалларнинг таъсир механизми | 110 |
| 35. | *Якубова Ш. Ражабова Н.* | Буюк ипак йўли тарихи замонавий тадқиқотларда | 112 |
| 36. | *Мўминов У.* | Чағониён: унинг тарихий – географик худудлари | 115 |
| 37. | *Axmadova N. Hasanov A.* | Mustaqillik yillarida O'zbekiston-Qozog'iston aloqalari va uning yangi bosqichi | 119 |
| 38. | *Маматова М.Б.* | Роль чая в социально-культурной жизни народов Узбекистана: разновидности узбекского чая | 124 |
| 39. | *Очилова О. Чориев А.* | Амир Темур боғлари | 126 |
| 40. | *Baratova N.* | Tayanch kompetensiyalarni shakllantirishning psixologik yo'llari. | 130 |